

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка қуйидагиларга эга шахслар расмийлаштирилади:

- бакалавр ва магистр дипломлари (фақат юридик соҳа бўйича) ёки олий маълумот тўғрисидаги (ихтисослик бўйича) дипломга эга бўлганлар;

- белгиланган илмий мақолаларига эга бўлганлар, шу жумладан, илмий журналда чоп этилган камида битта илмий мақола ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий соҳалардаги илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезис.

Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка юридик фанлари номзоди ёки юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган дипломга эга бўлган, белгиланган тартибда талабларга мувофиқ илмий даража олганидан сўнг салмоқли илмий ютуқларга эришган шахслар расмийлаштирилади.

Мустақил изланувчиликка талабгор қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан Академияга Ягона электрон тизим орқали мурожаат қилади:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID-карта) нусхаси;
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун бакалавр ва магистрлик ёхуд олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;

- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

- илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси;
- фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун юридик фанлар номзоди ёки юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;

- иш жойидан тавсифнома.